

**Лойиха-қидирув ишлари учун
ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ № 562-Л**

Бухоро шаҳри.

16 ноябрь 2022 йил

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган “Бухоро минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати” ДУК номидан Устав асосида иш юритувчи директор И.Амонов бир томондан ва кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритиладиган «**BuxoroGeoRoad Proekt Group**» МЧЖ номидан Устав асосида иш юритувчи **директори Ш.Ачилов** иккинчи томондан, Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги 22.04.2021 йилдаги ЎРҚ-684 сонли Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси бошқа норматив ҳуқуқий ҳужжатларига асосан қуйидаги шартлар асосида мазкур пудрат шартномасини туздилар.

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Мазкур шартнома шартларига мувофиқ Пудратчи Буюртмачининг топшириғига биноан **“Ромитан тумани Бобур МФЙ Худуддаги Алпомиш, Нурафшон, Баҳор, Бобур ички йўлларни 3,5 км жорий тамирлаш”** Объекти (*Лот рақами 22110012182292*) бўйича лойиха-қидирув ишларини бажариш, яқунда тайёрланадиган техник/лойиха/смета ҳужжатларини ўрнатилган тартибда тегишли ваколатли давлат органлари, ташкилотлари, маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари, ер участкалари бошқа мулк эгалари, фойдаланувчилари билан ўрнатилган тартибда келишилишини ва бошқа рухсат берувчи ҳаракатларни бажарилишини (экспертизадан ўтказиш, зарур келишувлар в.х.) таъминлаш ва унинг натижасини Буюртмачига белгиланган муддатда топшириш ҳамда ушбу Объект бўйича муаллифлик назоратини олиб бориш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса ишни бажариш учун зарур шароит яратиб бериш, ишни қабул қилиш ва шартномага мувофиқ келишилган ҳақни тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. Ишларнинг мазмуни ва ҳажми, уларга ва натижаларига қўйилган техник-иқтисодий ва бошқа талаблар Буюртмаси томонидан берилган Техник топширикда кўрсатилади.

1.3. Ишларнинг натижаси амалдаги норматив-техник ва ҳуқуқий ҳужжатлар, шу жумладан шаҳарсозлик, қурилиш, санитария, гигиена, ёнғинни олдини олиш соҳасида қабул қилинган ва лойиха-қидирув, пудрат ишларини иштирокчилари томонидан бажарилиши (риоя этилиши) лозим бўлган қоидаларни ўз ичига олган Ўзбекистон Республикаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси худудида амал қилувчи нормалар, қоидалар, стандартлар, техник шартлар, техник регламентлар, низомлар, йўриқномалар, кўрсатмалар (шу жумладан методик ва ёки тавсиявий характердаги), нормативлар ва бошқа номланишдаги ҳужжатларнинг, Ишлар натижасини текшириш, назорат қилиш, келишиш, рухсат берувчи таомилларни амалга оширишга ваколатли бўлган давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, ташкилот ва идораларнинг, Буюртмачининг талабларига ҳамда Шартномада кўрсатилган бошқа талабларга мос бўлиши лозим.

2. ШАРТНОМА БАҲОСИ ВА ТЎЛОВ ҚОИДАЛАРИ

2.1. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажариладиган ишлар қиймати барча солиқлар йиғимлар ва ажратмаларини ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда **44 000 000 (Кирк тўрт миллион)** сўмни ташкил этади.

2.2. Тўловлар Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси “Сўм”да Пудратчининг шартномада тўлов реқвизитларига нақдсиз шаклда, пул кўчириш йўли билан амалга оширилади.

2.3. Мазкур шартноманинг баҳоси амалдаги қонунчилик бўйича тўланиши лозим бўлган барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳамда Пудратчининг мазкур шартномани бажариши учун зарур бўлган барча харажатлари (шу жумладан шартномага мувофиқ ва унинг амал қилишининг бутун даврида бажариладиган барча ишлар қийматини, товар моддий бойликлар (материаллар) қийматини, ишчи кучини жалб қилиш ва унинг ҳаққини тўлаш харажатларини, транспорт (махсус) харажатларини, коммунал, кўриқлаш, техника ҳавфсизлиги чораларини кўриш, шартномавий мажбуриятларни бажариш ва бошқа ҳар қандай харажатларини) қоплаш учун (Пудратчи томонидан) етарли деб ҳисоблаб, шартнома имзоланган.

2.4. Пудратчи ишларни бажариш муддатлари ва қийматига таъсир қилиши мумкин бўлган барча ҳолатлар ва шартларни, жумладан, тегишли келишувлар, рухсатномалар олиниши, Давлат экспертизадан ўтказиш, ҳимоя қилиш ишлар қиймати, ишлар якуний натижасини Буюртмачига тақдим қилишга таъсир қилиши мумкин бўлган бошқа аспектларни, ўзининг харажатлари ва даромадларини

инобатга олган ҳолда ишларни амалга ошириш хусусиятлари ва моҳиятини тўлиқ ўрганган ва келажикда мазкур ҳолатлар билан боғлиқ техник топшириқ ва мазкур шартномада назарда тутилмаган (ва келиши мумкин бўлган) ишлар (харажатлар) учун тўловларни (шартнома суммасидан ортиқча миқдорда) талаб қилишга ҳақли эмас.

2.5. Шу билан биргаликда амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқ «Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази» ДУКда Лойиҳа смета ҳужжатлари (манда кейинчалик ЛСХ деб юритилади)ни товарлар (ишлар, хизматлар) ҳажмларини ва уларнинг нарх параметрларини баҳолаш қисми бўйича экспертиза қилинганда, Пудратчи Буюртмачи билан биргаликда ЛСХни ҳимоя қилиш жараёнида қатнашади. ЛСХ билан боғлиқ эътироз ва камчиликлар билдирилган тақдирда, уларни музокаралар жараёнида жойида бартараф қилиш имкони бўлган тақдирда Пудратчи Буюртмачи олдида ўз ҳисобидан мазкур камчилик ва эътирозларни тўлиқ бартараф қилиш мажбуриятини (шу жумладан қайта экспертизадан ўтказиш) зиммасига олади. Бундай ҳолатда «Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази» ДУК томонидан ЛСХнинг товарлар (ишлар, хизматлар) ҳажмларини ва уларнинг нарх параметрларини баҳолаш қисми бўйича ижобий хулоса берилган тақдирдагина Пудратчининг шартнома бўйича бажарилган ишлари/хизматлари ҳаққи тўлаб берилиши мумкин.

2.6. Пудратчининг айби билан ёки у жавобгар ва/ёки масъул бўлган ҳолат туфайли бажарилган ишлар ҳажми ва қиймати ошиб кетганда уларнинг қиймати Буюртмачи томонидан қопланмайди.

2.7. Буюртмачи Пудратчининг солиқ ва мажбурий тўловларни нотўғри ҳисоблаганлиги учун жавобгар бўлмайди.

2.8. Шартнома шартлари, техник топшириқ, норматив-техник ва ҳуқуқий ҳужжатлар талабларидан четга чиқилган ҳолда бажарилган ишлар Пудратчи ва Буюртмачи ўртасида тузиладиган далолатнома билан расмийлаштирилади ва аниқланган камчиликлар, дефектлар бартараф қилинмагунга қадар ишлар бўйича тўлов амалга оширилмайди.

2.9. Шартнома бўйича бажарилган ишлар учун тўловлар **Бюджети** (молиялаштириш манбаи) маблағлари (манда бундан кейин “Бюджет маблағлари” деб юритилади) ҳисобидан амалга оширилади. Мазкур Шартнома шартларига мувофиқ молиялаштириш манбаидан Буюртмачи томонидан пул маблағлари олиниши ва тўланишини таъминланиши, қатъий равишда тегишли молия йилида “Объект” учун, бюджет тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ, тасдиқланган бюджет маблағлари лимитлари доирасида амалга оширилади.

2.10. Тўловлар амалга оширилган вақт : Буюртмачига “Объект” учун очилган **махсус ғазна ҳисоб рақамидан** пул маблағлари ўчирилган сана.

2.11. Пудратчи тегишли йил учун аванс(бўнак) тўловлари амалга оширилмасдан олдин ишларни бошлашга ҳақли эмас. Аванс тўловлари амалга оширилишини кутмасдан бошланган ва бажарилган ишларнинг тўловга қабул қилиниши ва тўловларни амалга оширилиши, тегишли бюджет маблағлари Буюртмачининг ғазна ҳисоб-рақамида шакллантириш (кўчириб берилгунга) муддатига узайтирилади.

2.12. Амалдаги қонунчиликка мувофиқ, Пудратчи томонидан тўланиши лозим бўлган солиқ ва бошқа мажбурий тўловларидан мавжуд қарздорлик ҳисобига ваколатли солиқ ёки бошқа органлар томонидан ундириб олинган суммалар, Буюртмачи томонидан Пудратчига тўланиши лозим бўлган бажарилган ишлар қийматидан чегириб қолинади.

2.13. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий қийматининг 30 % миқдоридан, аванс ўтказида, бу **13 200 000 (Ўн уч миллион икки юз минг)** сўмни ташкил этади.

2.14. Шартнома бўйича аванс тўлов шартнома кучга кирган санадан эътиборан 10 банк иш куни давомида амалга оширилади. Буюртмачига топширишга тайёр ҳолда бажарилган лойиҳа-смета ҳужжатлари учун Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий қийматининг 70 % миқдоридан тўловларни барча ҳужжатлар тегишли тарзда расмийлаштириб, тегишли иловалари билан тақдим қилинганидан ва тўғрилиги текшириб қабул қилинган кундан бошлаб 10 банк куни ичида амалга оширади. Шартноманинг молиялаштириш билан боғлиқ барча шартлар ажратилган лимит доирасида (шартноманинг 2.9-банди талабларига риоя қилган ҳолда) амалга оширилади.

2.15. Жорий ва якуний молиялаштириш бажарилган ишлар сифати ва ҳажми текширилгандан кейин, берилган авансни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

2.16. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб 30 кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Бундан Буюртмачи пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

2.17. Пудратчи томонидан бажарилган ишлар қийматини тўлаш учун шартнома тарафлари ўртасида ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ҳамда имзоланган Форма №5 ҳамда Форма №3 асос бўлади. Хужжатлар барча иловалари билан тўлиқ комплект ҳолатда тақдим қилингандан ва Буюртмачи томонидан текширилгандан сўнг, Шартноманинг молиялаштириш шартларига мувофиқ (ажратилган лимит доирасида) молиялаштирилади.

2.18. Пудратчи томонидан Шартнома бўйича бажарилган ишларини Шартнома шартлари, техник топшириқ ва норматив-техник ва ҳуқуқий хужжатлар талабларига мувофиқлигини текшириш учун, (зарурат бўлганда) Буюртмачи Пудратчи ва бошқа манфаатдор ташкилотлар вакиллари иштирокида назорат/ўлчов тадбирларини амалга оширишга ҳақли.

Назорат ўлчов тадбирларида Пудратчи иштирок қилишдан воз кечиши ёки назорат ўлчов далолатномасини имзо қўйишдан бош тортиши ишларни қабул қилишни ва тўловларни амалга оширишни рад қилиш учун асос бўлади.

Пудратчи назорат ўлчов далолатномасини имзо қўйишдан бўйин товлаган тақдирда, Буюртмачи далолатномани бир томонлама имзолаб, расмийлаштиришга ҳақли. Бундан ҳолатда Буюртмачи ишларни қабул қилишни ва тўлов учун тақдим қилинган хужжатларда кўрсатилган суммаларни тўлашни рад қилади.

2.19. Пудратчи томонидан бажарилган ишлар қийматини тўлаш учун тақдим қилган хужжатлардаги маълумотлар ҳақиқатда бажарилган ишлар ҳажмидан ва шартнома шартларига мувофиқ тўланиши лозим бўлган қийматидан фарқ қилганда, Буюртмачи зудлик билан бу ҳақда Пудратчини огоҳлантиради ва Пудратчи томонидан тегишли тузатишлар ва ўзгартиришлар киритилмагунча ушбу хужжатларни имзоламайди.

2.20. Буюртмачининг тўловга тақдим қилинган хужжатларидаги камчиликлар бўйича эътироз билдириш ҳуқуқи улар имзолангандан сўнг ҳам (шу жумладан ваколатли назорат қилувчи органлар томонидан назорат/текшириш жараёнида камчиликлар аниқланганда, сифати ва миқдори бўйича эътирозлар билдирилганда) сақланиб қолинади.

2.21. Пудратчи томонидан техник топшириқ, норматив-техник ва ҳуқуқий хужжатлар, шунингдек мазкур Шартнома шартларидан четга чиқиб бажарилган ишлар қиймати, тегишли камчиликлар Пудратчи томонидан тўлиқ бартараф қилинмагунча Буюртмачи томонидан тўланиши тўхтатиб турилади.

2.22. Бажарилган ишлар натижасини қабул қилиш жараёнида ёки ваколатли органлар ва ташкилотлар томонидан аниқланган камчиликлар бўйича Буюртмачи томонидан тегишли комиссия билдирилган эътироз ва аниқланган камчиликларни ҳамда уларни бартараф қилиш муддатларини кўрсатган ҳолда далолатнома тузилади. Буюртмачи томонидан далолатномада қайд қилинган эътирозлар Пудратчи учун мажбурий ва талаб қилинган муддатларда Пудратчи ҳисобидан бартараф қилиниши керак.

2.23. Пудратчи томонидан бажарилган ишларда Объектни мақсадли фойдаланиш имкониятидан маҳрум қиладиган даражада йўл қўйилган ва/ёки Пудратчи томонидан бартараф қилиб билмайдиган камчиликлар аниқланганда, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини тўлашни рад қилишга ҳақли.

2.24. Мазкур шартнома шартлари, техник топшириқларида назарда тутилмаган ва Пудратчи томонидан амалга оширилган ишлар қиймати тўлаб берилмайди. Агар ушбу ишларни бажариш натижасида Объект бўйича техник топшириқ талаблари, мақсадлар, ечимларининг бузилишига олиб келган тақдирда, бу камчиликлар Пудратчи томонидан ўз ҳисобидан тузатилади.

2.25. Ишлар Пудратчи томонидан муддатидан олдин бажарилган тақдирда, уларнинг қиймати мазкур Шартнома шартларига мувофиқ, ажратилган бюджет маблағлари лимитлари доирасида тўланади.

2.26. Пудратчи томонидан бажарилган ишларнинг мазкур шартнома шартлари, норматив-техник ва ҳуқуқий хужжатларнинг талабларига мувофиқлигини текшириш учун Буюртмачи мустақил эксперт ташкилотини жалб қилиши мумкин.

2.27. Буюртмачи томонидан бажарилган ишларни қабул қилиш натижаси бўйича амалга оширилган ҳар қандай тўлов Пудратчини бажарилган ишларда аниқланган камчиликларни бартараф қилиш мажбуриятидан озод қилмайди.

2.28. Пудратчи томонидан мажбурият шартлари бажарилмаганда ёки лозим даражада бажарилмаганда, шартнома томонлари ўртасида далолатнома тузишлари ва ҳисобланган ва тўланиши лозим бўлган неустойка, етказилган зарар суммалари кўрсатилиши мумкин. Бундай ҳолатда ҳисобланган неустойка ва зарар суммалари Буюртмачи томонидан Шартнома бўйича амалга оширилиши лозим бўлган тўловлардан ушлаб қолган ҳолда амалга оширилади.

2.29. Якуний ҳисоб-китоб лойиҳа-смета хужжатлари бўйича ижобий экспертиза хулосаси олингандан сўнг амалга оширилади. Ижобий хулоса олинмаган тақдирда бажарилган ишлар учун тўлов амалга оширилмайди.

2.30. Ишлар қийматини бир томонлама кўпайтиришга йўл қўйилмайди.

3. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ

3.1. Шартнома миллий валюта (сўмда) ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда томонлар учун имзоланган пайтдан бошлаб, кейинчалик ЭАВ га конвертация қилган ҳолда миллий валютада (сўмда) ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда шартнома қонун ҳужжатларга мувофиқ рўйхатдан ўтказилгандан кейин кучга киради.

3.2. Пудратчи молиялаштириш жадвалига мувофиқ, биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

3.3. Ишларни давом этиш вақти ишлар бошланган кундан эътиборан **5** календар кунни ташкил этади.

3.4. Мазкур шартнома бўйича ишлар, ишларни бажариш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

3.5. “Пудратчи”га боғлиқ бўлмаган ҳолда “Буюртмачи” томонидан молиялаштириш кечиктирилганда ёки бирламчи маълумотлар ўз вақтида тақдим қилинмаган ҳолларда, ишларни давом эттириш муддати молиялаштиришнинг кечиктирилган ёхуд бирламчи маълумотлар тақдим қилиниши кечиктирилган вақтга мутаносиб тарзда узайтирилади.

3.6. “Пудратчи” мазкур шартномада кўзда тутилган ишларни бажаришда учинчи шахсларни мустақил равишда жалб қилиш ҳуқуқига эга.

4. ТОМОНЛАР ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. “Буюртмачи” шартнома бўйича аванс тўловларини ўз вақтида амалга ошириши ҳамда топширилган-қабул қилиб олинган ишлар учун мазкур шартномада келишилган тартибда ҳисоб-китоб қилиши; “Пудратчи”дан олинган лойиҳа-смета ҳужжатларидан фақат шартномада назарда тутилган мақсадларда фойдаланиши, лойиҳа-смета ҳужжатларини “Пудратчи”нинг розилигисиз учинчи шахсларга бермаслиги ва ундаги маълумотларни ошкор қилмаслиги; лойиҳа ишларини бажаришда шартномада назарда тутилган ҳажмда ва шартларда “Пудратчи”га хизмат кўрсатиши, лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш учун зарур бўлган бирламчи маълумотлар ва материалларни “Пудратчи”нинг сўровига кўра тақдим қилиши; тайёр бўлган лойиҳа-смета ҳужжатларини тегишли давлат органлари ва ташкилотлари билан келишиб олишда “Пудратчи” билан бирга қатнашиши; тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатларининг камчиликлари борлиги муносабати билан учинчи шахс томонидан “Буюртмачи”га нисбатан қўзғатилган даъво юзасидан ишда қатнашишга “Пудратчи”ни жалб қилиши шарт. Пудратчи шартномани, техник шартлари, норматив-техник ва ҳуқуқий ҳужжатлар талабларини бузгарлиги учун Буюртмачи Пудратчини ўрнатилган тартибда қора рўйхатга киритишга, Объект қурилиши билан боғлиқ оператив шатаб йиғилишларига Пудратчи вакили иштирок этишини талаб қилишга ва чақиришга ҳақли.

4.2. “Пудратчи” ишларни лойиҳалаш ҳақидаги топшириқ ва бошқа бошланғич маълумотларга мувофиқ ҳамда келишилган график асосида вақтида бажариши, “Буюртмачи” билан бажариладиган ишларнинг (босқичларнинг) натижаларини келишиши; тайёр бўлган лойиҳа-смета ҳужжатларини “Буюртмачи” билан келишиб олиши, шунингдек, “Буюртмачи” билан бирга тегишли давлат органлари ва ташкилотлари билан келишиб олиши; Бундай келишувлар “Пудратчи” ҳисобидан ташкиллаштирилади ва амалга оширилади. Тайёр бўлган лойиҳа-смета ҳужжатларини, Буюртмачининг талабига кўра бошқа ҳужжатларни шартномада белгиланган муддатларда “Буюртмачи”га топшириши; Ишчи ҳужжатларни тайёрлашда импорт маҳсулотлари ва техникаларни ишлатилишини минималлаштириши; бошланғич, бирламчи маълумотларни мустақил олиши; Ишларни бажариш вақтида учинчи шахсларнинг ҳуқуқлари, шу жумладан интеллектуал мулк ҳуқуқларини бузмаслиги; “Буюртмачи”нинг лойиҳа-смета ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимачалар киритиш тўғрисидаги ёзма кўрсатмаларини, агар ушбу кўрсатмалар мазкур шартномага зид бўлмаса бажариши; Шартноманинг ишларни бажариш билан боғлиқ барча шартлари, Шартноманинг иловалари билан тўлиқ танишиш ва ўрганиш, ишларнинг амалга ошириш яқунлаш муддатлари, қиймати ва сифатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча масалалар бўйича тўлиқ маълумот олиш ва танишиб чиқиш мажбуриятини, шартнома бўйича келишилган ишларни яқунлашнинг барча қийинчиликлари, харажатлари ва хавфини ўз зиммасига олиши; Лойиҳа-смета ҳужжатлари сифати ва таркиби бўйича ва/ёки кейинчалик қурилиш-монтаж ишларини бажариш жараёнида аниқланган камчиликлар бўйича асослантирилган талабнома юборилган кундан бошлаб 10 (ўн) кун ичида камчиликларни лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш ва уларнинг натижасини Буюртмачига тақдим қилиш учун назарда тутилган тартибда (барча келишувлар, экспертиза в.х.ни бажарган ҳолда) бартараф қилиши, тегишли етишмаятган ҳужжатларни тақдим қилиши; “Буюртмачи”нинг розилигисиз лойиҳа-смета ҳужжатларини учинчи шахсларга бермаслиги шарт.

5. ИШЛАРНИ ТОПШИРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

5.1. Ишлар бажарилишининг алоҳида босқичларида ва шартномада кўрсатилган ишлар тўлиқ бажарилгандан, ҳамда ҳужжатларга ижобий экспертиза хулосаси олингандан сўнг “Пудратчи” томонидан расмийлаштириб “Буюртмачи”га топширилиши керак бўлган лойиҳа-смета ҳужжатлари топшириш-қабул қилиш далолатномаси асосида қоғоз шаклда ҳамда электрон шаклларда (Microsoft Word, Microsoft Excel, PDF ёки “Буюртмачи” билан келишилган бошқа шаклда) “Буюртмачи”га топширилади. Лойиҳа-смета ҳужжатлари таркибига Буюртмачининг талабига кўра муҳандислик, экологик-қидирув ишлари бўйича тайёрланган материаллар (ҳисоботлар, далолатномалар, баённомалар, чизмалар, экспликациялар, хулосалар в.х.) илова қилиниши лозим.

5.2. “Буюртмачи” ишларни топшириш ва қабул қилиш далолатномаси ва мазкур шартноманинг 5.1. бандида кўрсатилган ҳужжатларини олгандан сўнг 10 кун мобайнида ишларни текшириб қабул қилади.

5.3. Лойиҳа-смета ҳужжатларини қабул қилиш-топшириш далолатномасининг имзоланиши унга нисбатан барча мутлақ ҳуқуқларнинг “Пудратчи”дан “Буюртмачи”га ўтганлигини тасдиқлайди.

5.4. “Буюртмачи” ишларни қабул қилмаслигининг асосли рад жавобини берган ҳолда зарур бўлган қўшимча ишларнинг рўйхати ва уларнинг бажарилиш муддатларини кўрсатган ҳолда, икки томонлама далолатнома тузилади.

5.5. Агар ишларни бажарилиш жараёнида уни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмаслиги аниқланса, томонлар 5 кун муддат ичида уни тўхтатиш тўғрисида бир-бирини хабардор қилиши ва 15 кун ичида ишларни давом эттириш мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқиши шарт. Ишларнинг тўхтатилиши томонлар учун Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига кўзда тутилган оқибатлар ва жавобгарликка олиб келади.

5.6. Томонлардан бири мазкур шартномада кўзда тутилган ишларни тўхтатиш тўғрисида ёзма хабар берган вақт ўзаро ҳисоб-китоб қилиш вақти ҳисобланади.

5.7. Лозим топилган ҳолларда томонлар ҳолис экспертларга Лойиҳа бўйича хулоса учун мурожаат қилиши ёки қабул комиссияси ташкил қилиши мумкин.

5.8. “Пудратчи” ишлаб чиқиладиган лойиҳа-смета ҳужжатларининг техник топшириққа, техник шартларга, қурилиш нормалари ва қоидаларига, давлат стандартларига, ваколатли ташкилотларнинг тақлифларига ва мулоҳазаларига мувофиқлигини ҳамда аниқланадиган камчиликларни ўз вақтида бартараф қилинишини кафолатлайди. Техник ҳужжатларда ва/ёки қидирув ишларида камчиликларга йўл қўйилганлиги аниқланган тақдирда, Пудратчи Буюртмачининг талабига мувофиқ, лойиҳа-смета/қидирув ишларини Буюртмачи белгилаган муддатда ўз ҳисобилан қўшимча лойиҳа ишлаб чиқиш, ўзгартириш, келишиш, ҳимоя қилиш йўли билан камчиликларни бартараф қилиши ва Буюртмачига топшириши, шунингдек Буюртмачининг бу билан боғлиқ харажатларини қоплаши шарт. Аниқланган камчиликларнинг бартараф қилиниши, шартномани бузганлик учун жавобгарликдан озод қилмайди. Лойиҳа-смета ҳужжатларга кафолат муддати – 3 йил.

6. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ҲОЛАТЛАРИ

6.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

6.2. Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

6.3. Буюртмачи тўловларни амалга ошириш мажбурияти қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги бюджет (мақсадли жамғармалар) маблағларини тақсимловчи органлар, мансабдор шахслар, ташкилот ва идораларнинг Объект учун молиялаштириш лимитларини ажратиш масалалари бўйича қабул қиладиган (ёки қабул қилмаётган) қарорлари натижасида келиб чиқса ва бу ҳолат мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир эса, Буюртмачи Пудратчи олдида бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан, шу жумладан неустойка тўлашдан озод этилади.

6.4. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда “Пудратчи” ва “Буюртмачи” ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар қўрилишини муҳокама қиладилар.

6.5. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

7. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

7.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон: иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди; фуқаролик қонунчилигида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

7.2. Мазкур шартномада кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун “Буюртмачи” “Пудратчи”га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0.1 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси тўлови кечиктирилган сумманинг 20 фоизидан ошмаслиги лозим.

7.3. “Пудратчи” ишларни ўз вақтида “Буюртмачи”га топшириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун “Буюртмачи”га муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0.1 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси топширилиши кечиктирилган ишлар қийматининг 20 фоизидан ошмаслиги лозим.

7.4. Пудратчининг вакили, раҳбари в.х.нинг Буюртмачининг вакили (вакиллари, ходимлари в.х.) билан олдиндан тил бириктириб ёки алдов, қистов, кўрқитиш, босим ўтказиш ва бошқа турли ноқонуний йўллари билан, амалда бажарилмаган ишлар ҳажмини Форма№5 ва уларнинг қийматини Форма№3 да киритиб, улар учун бюджет маблағларини қабул қилган тақдирда, бажарилмаган ишларнинг қиймати билан бир қаторда ўзганинг пул маблағларидан асоссиз фойдаланганлик учун банк фоизларини Буюртмачига тўлаб беришга мажбур.

7.5. Мажбуриятнинг бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

8. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

8.1. Шартномани ижро қилиш жараёнида, уни ўзгартириш ёки бекор қилиш билан, шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни талабнома юбориш йўли билан ҳал қилинади. Талабнома тартибда ҳал этилмаган низоли масалалар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда “Буюртмачи” жойлашган жойдаги ваколатли суд органи томонидан кўриб чиқилади ва ҳал қилинади.

8.2. Талабномани кўриб чиқиш ва жавоб қайтариш муддати-7 кун.

9. ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР

9.1. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

9.2. Ишлар бажарилиши даврида “Пудратчи” ўзи конфиденциал ҳисобланадиган маълумотлар ишлаб чиққан ёки уларни “Буюртмачи”дан олган ҳолларда уларни ҳимоялаш, ошкор бўлишини олдини олиш мақсадида тегишли тадбир ва чоралар кўради.

9.3. Буюртмачи мазкур шартномани қуйидаги ҳоллар ҳолларда бир томонлама бекор қилишга ҳақли: Пудратчи ўз мажбуриятларини Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабаблар билан 30 кун давомида бошламаётганлиги/бажармаётганлиги; Шартнома шартларини бир неча бор бузганлиги; Ишларнинг сифати Шартнома шартлари, техник топшириқ, норматив-техник ва ҳуқуқий ҳужжатлар талабига жавоб бермаганда, Буюртмачининг талаби билан камчиликларни бартараф қилиш ҳақидаги талаби 30 кундан ортиқ муддат давомида бажарилмаганлиги; Пудратчига нисбатан банкротлик таомиллари бошланганлиги; тегишли лицензия ва рухсатномаларнинг амал қилиш муддати тугаганлиги, бекор қилинганлиги, ҳақиқий эмас деб топилганлиги; қонунчиликда назарда тутилган бошқа асослар юзага келганлиги.

9.4. Пудратчи мазкур шартнома бўйича ўзининг ҳуқуқларини Буюртмачининг ёзма рухсатсиз, бирон-бир учинчи томонга сотишга ёки бошқача тарзда ўтказишга ҳақли эмас.

9.5. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган, томонлар уларни имзолаган, муҳр қўйилган ҳамда белгиланган тартибда ғазначилик органидан рўйхатдан ўтган бўлса ҳақиқий ҳисобланади.

9.6. Ушбу шартнома ўзбек тилида икки нусхада тузилди ва уларнинг ҳар бири бир хил юридик кучга эга.

9.7. Ушбу шартноманинг амал қилиш муддати 2022 йил 31 декабргача. Шартноманинг амал қилиш муддатининг тугаши шартномавий мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун жавобгарликдан озод қилмайди.

10. ШАРТНОМАНИНГ ҚОНУНИЙ КУЧГА КИРИШИ

10.1. 2016 йил 22 декабрда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2850-сон билан рўйхатга олинган “Бюджет тизими бюджетларининг Газна ижроси қондаларига” ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги 594-сонли қарорига асосан, шартнома тегишли тартибда Газначилик бошқармасида рўйхатдан ўтказилгандан сўнг қонуний кучга кириди ва томонлар учун мажбурий бўлади.

11. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ.

«Буюртмачи»
«Бухоро МЙБХ» ДУК

Манзили: Бухоро ш. Ок масжит кўчаси 8-уй
Телефон : 95-420-40-60
Ш.х/р 301821860064017045129118255
Бюджетдан маблағ олувчи СТИР 304901663
ИФУТ 70100
Газначилик булинмаси номи: Бухоро Вилоят Газначилик бошқармаси
Газна х/в 23402000300100001010
Банкнинг номи: Тошкент ш. Марказий банк ХККА
МФО 00014
Газначилик булинмаси СТИР 201122919



Директор:
М.Ў

[Signature]

И.Амонов

«Пудратчи»
«BuxoroGeoRoad Proekt Group» МЧЖ

Манзил: Бухоро шаҳар Шарк 1
Тел: 99-706-05-50
х/р: 20208000800521259001
банк: Асака банк Бухоро шаҳри
МФО: 00120
СТИР: 303513538
ИФУТ: 71120



Директор:
М.Ў

[Signature]

Ш.Ачилов

«Бухоро МЙБХ» ДУК

Бош ҳуқуқшуноси : *[Signature]* У.У.Хамидов
Гувоҳнома ЮК №006164,
Бухоро вилоят Адлия бошқармаси томонидан
25.02.2022 йилда берилган.

«BuxoroGeoRoad Proekt Group» МЧЖ

Юридик хизмати: *[Signature]*